

Иш рақами 1-1612-2201/208
Биринчи инстанцияда раислик
қилган судья – А.Нарзулаев

Апелляция инстанциясида
маърузачи судья-Д.Камилов

НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2022 йил октябрь ойининг 27 куни, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг видеоконференцалоқа тизими орқали ўз биносида бўлиб ўтган очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: судья А.Мирзаев,

ҳайъат судьялари Д.Мадаминов ва Д.Камиловдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси О.Худайбердиевнинг котиблигида, тарафлардан Наманган вилояти прокуратураси бўлим прокурори Р.Одилов, судланган А.Ахмедов ва ҳимоячиси - адвокат Ё.Тожибоевнинг иштирокида, А.Ахмедов ва А.Аббасовга оид жиноят ишининг А.Ахмедовга оид қисми унинг апелляция шикоятига асосан кўриб чиқилиб, қуйидагилар

а н и қ л а н д и :

Жиноят ишлари бўйича Косонсой туман судининг 2022 йил 9 сентябрдаги ҳукмига кўра,

Ахмедов Аъзамхужа Абдуллазизович, 1978 йил 29 июлда Уйчи туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, судланмаган, ишламаган, Наманган шаҳри, “Гузар” МФЙ, Тадбиркор кўчаси, 95-уйда яшаган, камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми “а” банди ва 186³-моддаси 3-қисми “а” банди билан 57-моддаси қўлланиб, 59-моддаси тартибида 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Ашёвий далил деб эътироф этилган “Наманган дори-дармон” АЖДа сақланаётган 151.675.700 сўмга баҳоланган 15 турдаги 2.702 дона дори воситалари тегишли тартибда йўқ қилиш;

ДХХ Наманган вилоят бошқармаси тергов бўлими ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган А.Ахмедовга тегишли бир дона “Samsung A32” русумли телефон аппарати хотирасини тозалаб, А.Ахмедовнинг яқин қариндошларига қайтариш белгиланган.

Мазкур ҳукм билан А.Аббасов ҳам судланган бўлиб, шикоят ёки протест келтирмагани сабабли ишнинг унга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, А.Ахмедов шу иш бўйича судланган А.Аббасов билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, 2022 йил 10 апрель куни Қирғизистон Республикасида яшовчи “Мурод” исмли шахс томонидан Янгиқўрғон туманидаги “Ўзбек-қирғиз” давлат чегарасидан айланма йўллар орқали ўтказилиб, А.Аббасовга етказиб берилган 15 турдаги 2.702 дона дори воситаларини А.Аббасовдан қабул қилиб олиб, ўзининг ушбу ҳаракатлари билан жуда кўп миқдорда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда ва жуда кўп миқдордаги сифатсиз дори воситаларини реализация қилиш мақсадида сақлаганликда айбли деб топилган.

А.Ахмедов апелляция шикоятда, қилган ишидан пушаймонлиги, уч нафар фарзандини ёлғиз боқувчисилиги, соғлиғи яхши эмаслиги ҳақида важлар келтириб, ушбу ҳолатларни ва оилавий шароити оғирлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўраган.

Апелляция инстанцияси, судья Д.Камиловнинг маърузасини, А.Ахмедов ва ҳимоячиси Ё.Тожибоевнинг шикоятни қаноатлантириш, прокурор Р.Одиловнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни иш материаллари асосида таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

А.Ахмедовнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этгани, ўзининг дастлабки тергов ва апелляция инстанцияси суд мажлисидаги айбига тўла иқрор бўлиб, биринчи инстанция суд мажлисидаги қисман иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, судланган А.Аббасов, гувоҳлар А.Турсунбаев, М.Қаюмовнинг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатувлари;

А.Ахмедовнинг яшаш хонадонини, “Самсунг А32” русумли телефон аппарати хотирасини ва интернет тармоғи орқали суҳбатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш баённомалари ва уларга фотоиловалар, хонадон чизмаси, ДВД диск, олиб қўйилган дори воситаларининг рўйхати ва миқдори кўрсатилган жадвал, “Zero kochmas mulk baholash markazi” МЧЖнинг 2022 йил 11 апрелдаги 15 турдаги 2.702 дона дори-дармон воситаларининг бозор қиймати 151.675.700 сўмни ташкил этиши ҳақидаги 175-сонли баҳолаш ҳисоботи;

Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУКнинг 2022 йил 26 апрелдаги 29/09-1522-сонли маълумотномаси ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан исботланган.

Биринчи инстанция суди, А.Ахмедовнинг жуда кўп миқдордаги товар-моддий бойликларни божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказганликдан иборат ҳаракатларини ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми “а” банди билан, жуда кўп миқдордаги сифатсиз дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш мақсадида сақлашдан иборат ҳаракатларини 186³-моддаси 3-қисми “а” банди тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг:

7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо одилона бўлиши, жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг

ва шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 37-бандида, ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Биринчи инстанция суди қайд этилган Қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларга амал қилиб, А.Ахмедовнинг айбига қисман иқрорлигини, муқаддам судланмаганлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, жазосини оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб ҳисоблаб, жазосини енгиллаштирувчи ҳолатларни у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, унга нисбатан ЖКнинг 186³-моддаси 3-қисми “а” банди билан 57-моддасини қўллаб, ушбу модда санкциясида назарда тутилган энг кам қисмидан ҳам камроқ, 182-моддаси 2-қисми “а” банди билан ушбу модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, асосли хулосага келган.

Юқоридагиларга кўра апелляция инстанцияси, суд ҳукмининг А.Ахмедовга оид қисмини ўзгаришсиз, унинг апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Бинобарин, апелляция инстанцияси Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹⁷, 497¹⁸, 497²⁶, 497³¹- моддаларига амал қилиб,

а ж р и м қ и л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Косонсой туман судининг 2022 йил 9 сентябрдаги ҳукмининг Ахмедов Аъзамхужа Абдуллазизовичга оид қисми ўзгаришсиз, унинг апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:

имзо

А.Мирзаев

Ҳайъат судьялари:

имзо

Д.Мадаминов

имзо

Д.Камилов

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”

Ҳайъат судьяси:

Д.Камилов